



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 3 (13.850)

Баҳоси эркин нарҳда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда туризмни миллий иқтисодий диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Виза режимидаги либераллаштирилиши, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм тармогини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш имконини берди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар туризм тармогини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асоснинг номукамаллиги, алоҳида туризм хизматларини кўрсатиш қоидаларининг, шунингдек, чет эл фуқароларининг тоифалари, бўлиш муддатлари ва мақсадлари бўйича дунё амалиётида кенг қўлланиладиган алоҳида виза режимидаги мажбур эмаслигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, жойлаштириш воситалари ва инфратузилма объектларининг, айниқса, туризм мавсумида етишмас-

лиги, турли транспортларда йўловчиларни ташиш тизимининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги, шунингдек, туристларни мажбур туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш даражасининг пастлиги, ички туризмни, мамлакат ҳудудларидаги маданий мерос объектларининг ва зиёратнинг ўзига хосликларини тарғиб қилиш бўйича маркетинг кампанияларининг самарасизлиги туризмни жадал ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда.

Туризмни, авваломбор, хусусий секторда ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилган хизматларнинг рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш, миллий туризм маҳсулотини дунё бозорига фаол ва комплекс равишда тарғиб қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 2018 йил 28 декабрда қилган Мурожаатномасида билдирилган тақдирларни амалда татбиқ этиш мақсадида ҳамда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вази-фараларга мувофиқ:

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Туризм тармогини ривожлантириш, шу жумладан, бугунги кун стандартлари ва талабларига жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситаларини (кейинги ўринларда – меҳмонхоналар) қуриш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, республикада меҳмонхона ҳўжалигини ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонида мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

**2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида меҳмонхоналар қуришнинг мақсадли параметрлари** 1-иловага мувофиқ;

**меҳмонхоналар ташкил этиш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати** 2-иловага мувофиқ; **замонавий ахборот технологиялари татбиқ этиладиган маданият объектлари ва муассасалари рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маданият объектлари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш

бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) 4-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унга қуйидаги вазифалар юклансин:

маданият объектлари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича минимал талабларни белгилаш; икки ой муддатда тадбиркорлик субъектларининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида маданият объектлари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича маданий объектлари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини татбиқ этиш бўйича маданий объектлари ва муассасаларида замонавий ахборот технологияларини ўрнатишни таъминлаш;

3. Шундай механизмлар жорий этилсинки, уларга мувофиқ:

а) меҳмонхона қуриш учун ажратилган ер участкаси қурилиш тугаллангандан сўнг инвесторга мулк ҳуқуқи асосида сотилиши мумкин, моддий маданий мерос объектларининг ҳудуди ва муҳофаза зонаси ҳамда қишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланган ер участкалари бундан мустасно;

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, СУДЬЯЛАР ВА СУДЛАР АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган даврда мамлакатнинг суд-ҳуқуқ соҳасида чинакам мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш ва унинг нуфузини ошириш, судлар фаолиятида одил судловни амалга ошириш бўйича қонунийликни таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасида кадрлар тайёрлашнинг амалдаги тизими таҳлилий профессионал ва етуқ судьялик корпусини шакллантириш учун зарур юқори стандартларни жорий этишга салбий таъсир кўрсатаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

**биринчидан**, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлашнинг амалдаги тартиби самараси паст бўлиб, кўп ресурслар сарфлашни талаб этади, бу суд кадрларининг малакаси захирасини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда;

**иккинчидан**, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги ўқув режалари ва дастурлари, шунингдек, бу борадаги ишларни ташкил этишга доир ёндашувлар ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқлигини лозим даражада таъминламаяпти ва замонавий талабларга жавоб бермаяпти;

**учинчидан**, судьяликка номзодларнинг стажировкасини уларни асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда ташкил этишининг самарасиз тизими улар томонидан зарур амалий кўникмаларни эгаллашни рағбатлантирмаяпти;

**тўртинчидан**, эскирган ўқув-услубий база ва илмий-тадқиқот фаолияти ҳамда ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқ эмаслиги тингловчиларда қарорлар қабул қилишда ижодий ёндашувсиз "қолипчи фикрлаш"нинг шаклланишига олиб келмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-

тиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокара олиб бориш тактикасини, ахборот билан ишлаш технологиясини, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш;

судьялик лавозимларига номзодлар стажировка ўташининг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш, шу жумладан, илмий-тадқиқот фаолияти ва ўқув жараёни билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфасол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш;

судьялик лавозимларига номзодларни қўнуқликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириш.

(Давоми 3-бетда)

## ЯПОНИЯДАГИ ВАТАНДОШЛАРИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ПАРЛАМЕНТГА МУРОЖААТНОМАСИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам улкан амалий аҳамият касб этади. Чет элда истиқомат қилаётган ватандошларимиз "Дунё" ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида ана шундай фикрларни баён этган ҳолда, мазкур муҳим воқеа юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этдилар.

Япониядаги ўзбек ёшлари ассоциацияси раиси, "NEC Corporation" компанияси ходими Жўрабек Ҳасанов:

– Президентимиз томонидан бу йилга "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб ном берилгани бежизга эмас, – деди Ж.Ҳасанов. – Таъкидлаганларидек, ижтимоий соҳани ривожлантириш учун, авваломбор чет элдан инвестиция киритиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда Японияда 3500 нафарга яқин ватандошларимиз истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти талабалар ва қолган қисми эса турли хил компанияларда ишлайдилар. Ўйлайманки, ватандошларимиз юртимизга Япониядан технологиялар ва инвестициялар олиб киришга ўз ҳиссаларини қўшади.

Темпл университети талабаси Амиржон Абдуқодиров:

– Биз ватандошлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномасини катта эътибор билан тингладик. Ўз нутқларида асосий эътиборни мамлакатимизни ижтимоий ривожлантириш, айниқса, чет эл инвестицияларини Ўзбекистонга жалб қилиш асосий вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳозирда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар даврида инвестицияни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга деб ўйлайман. Биз Япониядаги ўзбек ёшлари ассоциацияси ишчи гуруҳи аъзолари ўз олдимиизга япониялик тадбиркорларни юртимизга қизиқтиришни янада орттириш ва уларни жалб қилишни мақсад қилиб олдик. Ҳозирги кунда олиб борилаётган ислохотлар натижаси шунки кўрсатмоқдаки, Япония ишбилармон доиралари вакилларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

"Дунё" АА Токио



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ўтган йили электротехника соноатига киритилган инвестицияларнинг салмоғи республика бўйича умумий инвестицияларнинг атиги 0,8 фоизини, яъни ички маҳсулот (ЯИМ) таркибиде электротехника маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,5 фоизини ташкил этди. Соноатда хомашё базасининг чегараланганлиги хориж аналоглари билан солиштирганда унинг таннарки ошишига сабаб бўлмоқда.

## ЭЛЕКТРОТЕХНИКА КОРХОНАЛАРИДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш жараёни учун хомашё, материаллар ва бутловчи буюмларнинг импорт қилганда қўшилган қиймат солиғи муддатини кечиктиришга имкон яратиш ва ҳисобга олиш механизмининг мавжуд эмаслиги экспорт қилувчи ташиқлотларнинг айланма маблағлари бошқа мақ-



садларга жалб қилинишига ва харажатларнинг ошишига олиб келмоқда. Тўплаган қолган бу каби муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари Президентимизнинг жорий йил 4 январдаги "Электротехника соноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориде белгилаб берилди.

Пойтахтимизда "Ўзэлтехсанот" уюшмаси томонидан мазкур қарор мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликга етказиш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакилларини учун брифинг ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда)

XXI сароси Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззах вилояти, Шароф Рашидов тумани Гандумтош қишлоғида "Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!" широри остида ташкил этилган фестивалда мамлакатимиз Қуролли Кучлари жанговар салоҳиятини акс эттирувчи ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, кутқарув анжомлари кўргазмаси намойиш этилди. Иштирокчилар замонавий ҳарбий техника ва қуролларни нафақат томоша қилди, балки баъзиларининг ишлатилиш тартиби билан ҳам танишди.

• Сирдарё вилоятида ноғиронлиги бўлган, меҳнат қилиш лаёқати чекланган 48 нафар хотин-қизга 2 сотихли уй-жойларнинг қалитлари топши-

рилди. Шу муносабат билан Ширин шаҳрида ташкил этилган тадбирда янги лойиҳалар асосида барпо этилган арзонлаштирилган 12 уй-жой фойдаланишга топширилиб, улардан 8 тасининг қалити эҳтиёжманд, оиласида меҳнат қилиш имконияти чекланган инсонлар бор хотин-қизларга топширилди.

• Фарғонада вилоят солиқни сақлаш бошқармасига, шаҳар, туман тиббиёт бирлашмаларига замонавий хизмат автомашиналари топширилди.

• Пахтакор туманида "Ёшлар меҳнат гузари" ҳудуд ёшларига чинакам байрам совғаси бўлди. Тадбиркор Жамшид Самаров раҳбарлик қилаётган "VIOLA" масъулияти чекланган жамияти тижорат банкнинг 400 миллион сўмлик кредити кўмағида "Ёшлар меҳнат гузари"ни қисқа муддатда қуриб битказди. Иншоотда барча қўлайликлар яратилган. 8 та хизмат кўрсатиш тадбиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилиб, 40 та янги иш ўрни яратилди.

## ЖАҲОНДА

• Грецияда об-ҳавонинг кескин ўзгариши турли қутилмаган ҳолатларни юзага келтирмоқда. Чунон-

чи, Рафаэль циклон кучли ёғингарчиликни келтириб чиқарганидан сўнг, унинг ўрнини эгаллаган София циклонидан кейин мамлакатда қишки об-ҳаво ҳукм сура бошлади. Бинобарин, ҳозирда Грецияда кучли шамол эсаётган бўлиб, ҳаммаёқни қалин қор қоплаган. Об-ҳаво нуқулаллиги боис жойларда самолётларнинг қўллаб рейслари бошқа муддатларга қўчирилди. Мамлакатда умумий миллий огоҳлантириш эълон қилинди.

• АҚШ чегарачилари Мексикадан ўтиб келаётган ноқонуний муҳожирларнинг катта оқимини тўхтатиб қолиш мақсадида кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланишга мажбур бўлишди.

• Екатеринбургда микрожарроҳлар томонидан жуда мураккаб операция амалга оширилди. Яъни, 10 ёшли қизалоқнинг жигарида учинчи босқичдаги саратон шиши мавжудлиги тўсатдан аниқланганлиги боис 5 соатлик ноёб жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, қизалоқ жигарининг олтидан беш қисми олиб ташланди. Мутахассислар томонидан қизачанин яшаб қолиши фақат 20 фоизгина тахмин қилинган бўлсада, ҳозирда у ўзини яхши ҳис қилмоқда, тикланиш жараёнини ўтказмоқда. Шифокорлар маълум вақтдан кейин унинг жигари тўлиқ тикланиб кетишини айтмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. Куйидагилар:
а) куйидагиларни назарда тутувчи 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ;
туризм фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризмни ривожлантириш учун қўлай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни имплементация қилиш;
туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қўлай туризм муҳитини яратиш;
транспорт логистикасини ривожлантириш, ички ва ташқи йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш;
туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулотини диверсификация қилиш;
республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган туризм фаолияти субъектларининг фаолиятини рағбатлантиришни таъминловчи ички туризмни ривожлантириш;
Ўзбекистон Республикаси туризм маҳсулотини халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб қилиш, мамлакатнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш;
туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.
Белгилансинки, Концепция ҳар йиллик алоҳида чора-тадбирлар режасини тасдиқлаган ҳолда унинг асосий йўналишлари ва мақсадли параметрларининг тегишли давр мобайнида бажарилишига қараб босқичма-босқич амалга оширилади;
б) 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда – Чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тегишли йил бўйича Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши яқунларини таҳлил қилган ҳолда ҳар йили 1 декабрга қадар кейинги йил учун Чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сонли қарорига асосан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлашувчи кенгаши (А.Н.Арипов) куйидагиларни таъминласин:

барча режалаштирилган чора-тадбирларнинг самарали этилиши, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича вазириликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
Концепция ва Чора-тадбирлар режасининг вазириликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилишини мониторинг қилиш, шунингдек, ҳар чора-тадбирнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига батафсил маълумот киритиб бориш;
ҳорижда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш ва хорижий туристларни жалб қилишга қаратилган қўшма тадбирларни ўтказиш бўйича "Йўл харитаси"ни ҳар йил тасдиқлаш;
ҳар йиллик Чора-тадбирлар режасининг бажарилишидан келиб чиқиб, лозим бўлганда, Концепция параметрларига ўзгартириш киритиш.
3. 2019 йил 1 февралдан бошлаб 3-иловага мувофиқ мамлакатларнинг фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белгилансин.
4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазири ва Давлат хавфсизлик хизматининг куйидаги тақлифларига розилик берилсин:
а) 2019 йил 1 февралдан бошлаб фуқаролари электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлган мамлакатлар рўйхатини 4-иловага мувофиқ кенгайтириш;
б) 2019 йил 15 мартдан бошлаб 30 кунлик амал қилиш муддати бўлган электрон кириш визасининг куйидаги турларини бериш тизимини жорий этиш:
икки марталик, консуллик йиғими 35 АҚШ доллари миқдорига;
кўп марталик, консуллик йиғими 50 АҚШ доллари миқдорига;
в) Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари учун 5-иловага мувофиқ қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визалари тоифаларини беришни жорий этиш.
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири, Ички ишлар вазири, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тегишли вазирилик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари учун қўшимча (электрон бўлмаган) визалари тоифаларини жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.
5. 6-иловага мувофиқ хорижий мамлакатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини олиш ҳуқуқи тақдим этилсин.

Белгилансинки, ушбу ҳуқуқ:
Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида – 400 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;
Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, Фарғона ва Хоразм вилоятларида – 200 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;
Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятларида – 100 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда қўчмас мулкни сотиб олган тақдирда берилди.
6. Ўзбекистоннинг логистика жозибдорлигини тубдан яхшилаш, шунингдек, маҳаллий аэропортларда парвозларга хорижий авиакомпанияларни жалб этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) 7-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.
Куйидагилар Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:
биринчи навбатда Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, ташилвадиган йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш;
"зиёрат" туризми йўналиши орқали туристлар оқимини ошириш, шу жумладан, Индонезиядан доимий авиакатновларни очиб ўзини авиаканчаларини жалб қилиш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш;
туристлар оқимини жалб қилиш мақсадида парвозларнинг стратегик муҳим йўналишларини аниқлаш;
мамлакат аэропортларида янги йўналишларни йўлга қўйиш мақсадида хорижий ташувчилар учун мослашувчан чегирма ва преференциялар тизимини ишлаб чиқиш;
ўзаро беговончи қатновларни, шу жумладан, "мавсумдан ташқари" даврда ташкил этиш орқали узок магистрал йўналишларда йўловчилар сони кўпайтириш;
хорижий ва маҳаллий авиакомпаниялар билан музокаралар ўтказиш, шунингдек, уларнинг тақлифларини кўриб чиқиш ва уларни аэропортлар бўйича тўри тақсимлаш;
чартер рейсларини келишиш механизминини соддалаштириш;
мамлакатдаги айрим аэропортларда "Очиқ осмон" режимини жорий этиш;
маҳаллий авиакомпаниялар ташкил этилишига кўмаклашиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани қайта қўриб чиқиш;
мамлакат ичкарисида интермодал ташувларни (автобус, темир йўл ва авиаташувлар) таъминлаш учун туристларнинг транспорт ташувини янада ривожлантириш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

авиакомпаниялар харажатларини камайтириш ва истеъмолчилар учун авиачипталар нархини оптималлаштириш;
мамлакат вилоятлари ўртасидаги ички авиаташувлар йўналишлари сонини кўпайтириш;
хорижий етказиб берувчилардан авиакеросин сотиб олиш механизминини харид жараёнида шаффофлик ва рақобатни таъминлаган ҳолда такомиллаштириш.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Автомобиль транспорт агентлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда рейсларни (автобус, авиа ва темир йўл) қўлай тарзда беговончи йўл чипталарини сотишни назарда тутувчи республика транспорт тизимини ягона электрон порталини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик механизми асосида ташкил этиш ҳамда унинг ишлаш тартибини белгилансин.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 8-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ташқи ишлар вазири, Ички ишлар вазири ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
10. Ўзбекистон Миллий аxbорот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги оммавий аxbорот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини тушунтиришга қаратилган нашрлар ва тематик дастурларни ташкил этсин.
11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳақимов зиммасига юклансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 5 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТУРИЗМ ТАРМОҒИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

б) 3 юлдузли тоифа учун 50 та хонадан кам бўлмаган ва 4 юлдузли тоифа учун 100 та хонадан кам бўлмаган хоналар фондида эга меҳмонхона 2022 йил 1 январгача фойдаланишга топширилган тақдирда, меҳмонхона тоифаси тасдиқланган янги меҳмонхона куриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда – Давлат бюджети) маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда, инвесторлар харажатларининг бир қисмини Давлат бюджетидан молиялаштириш миқдори қўшимча равишда ташкил этилаётган хоналар сони 50 мингга етунига қадар келгуси йил учун Давлат бюджети параметрларини тасдиқлаш жараёнида ушбу миқдорни ҳар йили индексация қилган ҳолда;
3 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 40 миллион сўм;
4 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналардаги ҳар бир хона учун 65 миллион сўмни ташкил қилади.
4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Молия вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда Янги меҳмонхона куриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларини қоплаш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.
5. Белгилансинки, дунёнинг танқил ва нуфузли меҳмонхона брендларидан (меҳмонхона брендларининг топ-50 рейтингига кўра) фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ташкилотлар учун роялти франчайзинг тўғрисидаги шартнома кўчга кирган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан куйидаги ҳажмда қисман молиялаштирилади:
дастлабки 50 та 3 юлдузли тоифага эга меҳмонхона – ҳар бир меҳмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 200 АҚШ доллари эквивалентида;
дастлабки 30 та 4 юлдузли тоифага эга меҳмонхона – ҳар бир меҳмонхонанинг битта хонаси учун йиллик 400 АҚШ доллари эквивалентида.
Бунда ташкилотлар учун роялтини молиялаштиришнинг умумий ҳажми кўпи билан 10 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлади.
6. Қонунчиликка биноан меҳмонхона хизматлари яшаш жойи (прописка), фуқаролик, жисмоний шахсларнинг қариндошлик ва никоҳ муносабатлари, шунингдек, шахсий ҳаёт ҳуқуқини чекловчи бошқа омилардан қатъи назар кўрсатилгани лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.
7. Белгилаб қўйилсинки:
хостелларни меҳмон уйлари ва хостеллар реестрига ўрнатилган тартибда киритиш талабини белгиланган ҳолда хостелларнинг меҳмонхона хизматини мажбурий сертификациялаш талаби бекор қилинади;

ҳудудида туризм инфратузилмаси объектилари, шу жумладан, жойлаштириш воситалари жойлашган ёки барпо этиладиган моддий маданий мерос объектилари ўттиз йилга, бироқ ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилди. Бунда ижарачилар беш йиллик ижара ҳақиға тенг миқдорни ўзлари жойлашган моддий маданий мерос объектиларини реставрация ва консервация қилишга йўналтириш ҳамда моддий маданий мерос объектиларини сақлаш қондаларига риоя қилиш шартин билан дастлабки беш йил учун ижара ҳақи тўлашдан озод этилади;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кичик тадбиркорлик субъектиларига туризм инфратузилмаси объектилари, меҳмонхоналар ва санитар-гигиеник шохобчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш учун ажратилган тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим қилади.
8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда Янги меҳмонхона куриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларини қоплаш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.
9. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектлариға намунавий, шу жумладан, тармоқда лойиҳалар асосида замонавий санитар-гигиеник шохобчаларни куриш учун 80-100 квадрат метр ўлчамда ер участкаларини электрон аукционга қўймасдан олиш учун Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг илтимосномасига кўра устуворлик ҳуқуқи тақдим этилади.
10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:
икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уларнинг негизда меҳмонхоналар ташкил этиш учун фойдаланилмаётган давлат мулки объектилари рўйхатини шакллантирсин;
икки ҳафта муддатда тегишли ҳудудда курилатган ва реконструкция қилинаётган меҳмонхоналарни инвентаризациядан ўтказсин;
бир ой муддатда ўтказилган инвентаризация ва ўрганишлар якулари асосида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларга мувофиқ ер участкаларини ажратиш ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектилари базасида меҳмонхоналар ташкил этиш ойлук тармоқ жадалларини тасдиқласин;
бир ой муддатда меҳмонхоналар куриш учун

ажратилаётган ер участкалари ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектилари рўйхатини, уларга муҳандислик коммуникацияларининг этиб борганлиги даражасидан келиб чиқиб тоифаларга (тулик, қисман таъминланган ва муҳандислик коммуникациялари мавжуд бўлмаган) ажратган ҳолда шакллантиришни ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг аxbорот майдонларида ва сайтларида жойлаштирилишини таъминласин;
Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазири билан биргаликда ер участкалари ва давлат мулки объектиларининг тақдимот (планшет)ини тайёрлашни, лойиҳалар рўйхатини батафсил маълумоти билан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг сайтига ("invest.gov.uz") жойлаштиришни таъминласин;
инвесторлар томонидан меҳмонхона куриш учун ер участкалари ва давлат мулки объектиларини "E-IJO AUKSION" электрон савдо майдонини аукционга қўйилишини таъминласин;
ҳар чорақда сотилмаган ер участкалари ва давлат мулки объектилари рўйхатига уларни инвесторлар учун жозибдор бошқа ер участкаларига алмаштириш орқали ўзгартиришлар киритиб бориш;
ҳар йили хостеллар ва меҳмон уйлари ташкил қилиш дастурини тасдиқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазири билан биргаликда шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда республиканинг ҳар бир йирми шаҳрида хостеллар ва меҳмон уйлари тармоғининг мавжуд бўлишини назарда тутсин;
Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда инвесторларни излашни амалга оширсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки йил давомида инвесторлар томонидан замонавий талабларга жавоб берадиган, санитар-гигиеник шохобчаларга эга савдо нукталари ва туризм инфратузилма объектиларининг ягона тармоғини куриш, бунда уларни биринчи навбатда кўп ташриф буюриладиган туризм намойиши объектилари ва туризм маршрутлари ўтадиган автомагистраллар ёқасида жойлаштириш бўйича тақлифлар киритсин.
11. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилояти ҳокимликлари Маданият вазири, Курилиш вазири ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия билан биргаликда Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларининг тарихий ва қўриқланадиган ҳудудларида режалаштирилган бино ва иншоотларни куриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси маркази билан аввалдан келишсин.
12. Куйидагиларга:
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасига – меҳмонхоналар куриш учун ер участкаларини ўз вақтида ажра-

тиш, инвесторлар аризасига асосан уларни зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш;
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг инвестициялар бўйича ўринбосарлари зиммасига – Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда хорижий инвесторларни излаш ва жалб қилиш, шунингдек, уларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тегишли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишининг барча босқичларида амалий ёрдам беришни самарали таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.
13. Куйидагиларга:
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов зиммасига – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан меҳмонхона курилиши учун ер майдонларининг ўз вақтида ажратилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминлаш;
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмуродов зиммасига – тижорат банклари томонидан кредит маблағларининг ўз вақтида ажратилиши, инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция масалалари бўйича ҳоким ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлиги устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклансин.
14. Белгиланган тартибда шакллантирилдиган рўйхатга мувофиқ 2022 йилнинг 1 январига қадар олиб кириладиган, туристлар ташриф буюрадиган жойларга ўрнатилдиган антивандал санитария-гигиена шохобчалари, шунингдек, моддий маданий мерос объектилари, музейлар, театрлар, галереялар ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, жиҳозлар, турникетлар, дастурий таъминот, тўлов-маълумот терминаллари, видеокузатув тизимлари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.
Давлат солиқ қўмитаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда ушбу қарор доирасида олиб кириладиган товарлардан мақсадли фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатсин.
Белгилансинки, товарлардан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда имтиёзлар берилиши муносабати билан тўланмаган божхона тўловлари суммаси қонун ҳужжатларида белгиланган молиявий санкциялар қўлланилган ҳолда Давлат бюджетига ундириб олинади.
15. Куйидагиларга:
а) меҳмонхоналар олиши керак бўлган: меҳмонхонага тегишли бўлган ва унинг ичида жойлашган алкоголь маҳсулотлари сотуви билан шуғулланадиган ҳар бир чакана савдо нукталари ва умумий овқатланиш объектилари (бар, мини-бар, кафе, ресторан) учун алоҳида рўхсат гувоҳномаси;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 5 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИСУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ,  
СУДЬЯЛАР ВА СУДЛАР АППАРАТИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ, УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ  
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. 2019 йил 10 январдан бошлаб куйидаги тартиб жорий этилсин:

судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўникмаларини эгаллашга, шунингдек, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ой бўлган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш;

қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун ва моҳиятини етказишга, касбий, жумладан, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир кўникма ва қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича амалга оширилади;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида қабул қилинган шахслар асосий иш жойи бўйича лавозимдан озод қилинади, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курслари тингловчиларига судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фонди миқдоридан стипендия тўланади;

судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бюжетмаси асосида амалга оширилади; қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига ўқиш давомида асосий иш жойи бўйича эгаллаш турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли تامомлаган шахслар тайинланади;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқиш дастурини бажармаган ёки тақлиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этган тингловчилар ўқиш даврида олинган стипендия суммасини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб беради.

Судьяларни дастлабки муддатга тайинлашнинг амалдаги тартиби 2019/2020 ўқув йили тугагунга қадар сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди ва Адлия вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби (кейинги ўринларда – Олий мактаб)ни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказининг 12 та штат бирлигини Олий мактабга ўтказиш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

Белгилансинки, Олий мактаб судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Олий мактаб Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Олий мактабга Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Олий мактаб директори меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, Олий мактаб директорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарига тенглаштирилади;

Олий мактаб директори лавозими бўйича бир вақтнинг ўзига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг жамоатчилик асосидаги аъзоси ҳисобланади;

Олий мактаб профессор-ўқитувчилар таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун, Олий мактабнинг бошқа ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари таътиб этилади;

Олий мактабнинг махсус унвонлар ва мансаб даражаларига эга бўлган ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди учун белгиланган тартибда махсус унвонлар ва мансаб даражалари берилди, кўп йиллик хизматлари учун устамалар ва қўшимча тўловлар тўланади, ушбу шахсларнинг Олий мактабда ишлаган даври махсус унвонлар ва мансаб даражаларини олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисига Олий мактаб ходимларининг махсус унвонлар ва мансаб даражалари бериш ҳуқуқи берилди;

Олий мактабда ишга жалб қилинган ва малака даражаларига эга бўлган судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларда судья мақоми, барча устамалар ва қўшимча тўловлар, имтиёзлар ҳамда тиббий таъминот шароитлари сақлаб қолинади; судьялар ва уларга тенглаштирилган шахслар орасидан ишга қабул қилинган ходимларнинг Олий мактабда ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади.

7. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг устави 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва бошқарув ходимлари чекланган сони 36 кишидан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг штат жадвали 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг самарали фаолиятини таъминлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харитаси" 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Олий мактаб директорининг Олий мактабнинг тасдиқланган тузилмасига ходимлар белгиланган чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Олий суди зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни бажариш билан бир қаторда куйидаги устувор масалаларда Олий мактабни ҳар томонлама ривожлантиришга қўмаклашиш юклансин:

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларини (дастурларини) ишлаб чиқиш, замонавий таълим технологияларини жорий этиш;

Олий мактаб тингловчиларни стажировка ўташи учун зарур шароитларни яратиш; илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

Олий мактаб фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш учун бюджетдан ташқари маблағлар, хайрия бадалларини жалб этиш.

9. Олий мактабда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси билан бирга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси (кейинги ўринларда – Махсус жамғарма) уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизига қадар миқдорда ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Махсус жамғарма маблағлари Олий мактаб директорининг қарорига кўра бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга тариф ставкасининг 100 фоизига қадар миқдорда ҳар ойлик устамалар белгиланган йўналтирилади;

Махсус жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби, шунингдек, Олий мактаб ходимларига ҳар ойлик устамалар белгилаш мезонлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши билан келишилган ҳолда Олий мактаб кенгаши томонидан белгиланади.

10. Куйидагилар Олий мактаб фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Олий мактаб томонидан шартнома асосида бажариладиган илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ишлар, таълим ва бошқа хизматлардан тушадиган тушумлар;

хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Олий мактабга судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, вазир-

ликлар, идоралар мутахассислари ва бошқа мутахассисларни ўриндошлик тартибда ёки меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида педагогик фаолиятини амалга оширишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

Жалб этиладиган мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан белгиланади.

12. Судьялар олий кенгаши ва Олий мактаб учун муҳдатда:

Олий мактабга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин, хусусан, унда тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари ва чет тилларини билиш кўникмалари мавжудлиги зарурий талаб эканлиги назарда тутилсин;

судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш низомини, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда Олий мактабни ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўникмаларига, амалий иш тажрибасига эга бўлган, биринчи навбатда, қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази ходимлари ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази ўтказилган штат бирикмасидаги ходимлар орасидан малакали кадрлар билан тўлдирсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий мактаб ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича 2019 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларига мазкур қарордан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиришлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига:

ўқитувчилар ва тингловчиларнинг етакчи хорижий таълим ва илмий муассасаларда малака ошириш курсларини ўтиши, стажировка ўташи ва ўқишда Олий мактабга қўмаклашиш;

Олий мактабнинг буюртмалари бўйича Олий мактабнинг ўқув ва илмий жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассислар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларга консуллик ва бошқа ийғимларни ундирмасдан кириш визалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий мактабнинг буюртмалари бўйича Олий мактабнинг ўқув ва илмий жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассислар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларга давлат божи ундирмасдан белгиланган тартибда кўп марталик кириш визаларини расмийлаштириш ва уларнинг муддатини узайтириш, шунингдек, уларни вақтинчалик рўйхатга қўйиш ва вақтинчалик рўйхатда туриш муддатини узайтиришни таъминлаб борсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича Олий мактабнинг ўқув хоналари, кафедралари, ахборот-ресурс маркази ва бошқа биноларини замонавий ускуналар, алоқа ва телекоммуникация воситалари билан жиҳозлашни, шунингдек, Олий мактабни мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган суд-ҳуқуқ масалаларига оид ўқув, илмий ва услубий адабиёт ва даврий нашрлар билан таъминлашни назарда тутадиган тегишли қарорни қабул қилсин.

17. Олий мактаб Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уйда жойлаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ўзгартирилаётган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида "Ғи ПК-2903-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

19. Олий мактабга тўртта енгил автотранспорт воситаси ва битта автобусни сақлаш учун лимит белгилансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПК-2903-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Судьялар олий кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

23. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 6 январь

## Ватанпарварлик ойлиги

ЁШЛАР ҚАЛБИДА  
ҲАРБИЙЛИККА ҲАВАС  
УЙҒОТИБ

Мамлакатимизда Ватанпарварлик ойлиги доирасидаги тадбирларда ёшлар қалбида ҳарбий-ватанпарварлик ва юрт тақдирини учун дахлдорлик туйғусини ошириш, уларни ҳарбий хизматга тайёрлаб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиздаги 122-умумтаълим мактабда "Ватанга хизмат – олий фазилат" шиори остида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам шу мавзуга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси томонидан Президентимизнинг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёрлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда ҳарбийлар, курсантлар, ўқитувчилар ва ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда академиянинг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, подполковник Лочин Нарзиқулов миллий армиямизда олиб борилаётган ислохотлар, Қуролли Кучлар академиясида курсантлар учун яратилган шароит ҳақида гапириб берди. Ҳарбий оркестрнинг куй-қўшиқлари, курсантларнинг кўргазмалли чиқишлари ёшларда зўр таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида умумтаълим мактабнинг юқори синф ўқувчилари учун Қуролли Кучлар академиясига саёҳат ташкил этилди. Унда ёшлар билим юртининг ўқув жараёнида замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари, моделлаштириш ва симуляция хоналарини томоша қилди. Ахборот-ресурс маркази ва курсантларнинг яшаш шароити ҳамда Қуролли Кучлар академияси тарихи музейи билан танишди. Ўқувчилар эътиборига Қуролли Кучлар академияси фаолияти ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиш этилди, "Ўзбекистон Армияси" журнали, ҳарбийлар фаолияти акс эттирилган буклетлар тарқатилди.

– Бу каби ҳарбий-ватанпарварликни тарғиб қилувчи учрашувлар ёшларда юртда дахлдорлик туйғуси шаклланишига хизмат қилмоқда, – дейди 122-умумтаълим мактаби директори Тоҳир Шерматов. – Шунинг учун ҳам шарафли касбни танлаётган ўғлонлар сафи йил сайин кенгайишмоқда. Ўқувчиларимизнинг ҳарбий соҳага қизиқиши ортишида ҳарбий билим юртурларига уюштирилаётган саёҳатларнинг ахамияти беқиёс бўлмоқда.

Худди шундай тадбир Тошкент вилоятининг Чинноз туманидаги 5-махсус қизлар мактаб-интернатида ҳам ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ёшларнинг эртанги кунга бўлган ишончи, мақсадни белгилаб олишда мана шундай ватанпарварлик руҳидаги маънавий учрашувлар самарали натижа бериши таъкидланди.

Абдулазиз МУСАЕВ

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА  
КОРХОНАЛАРИДА  
ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР  
АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда ўтган давр мобайнида электротехника саноати ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўплаб ишлар бажарилгани, бу эса ишлаб чиқаришнинг янги турларини ўзлаштирган ҳолда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини яратгани таъкидланди.

Мазкур қарорда "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси негизда ташкил қилинган Ўзбекистон электротехника саноати корхоналари уюшмасининг аниқ мақсад-вазифалари ва унга аъзо корхоналарга қатор имтиёзлар белгилаб берилган. Жумладан, уюшма таркибига кирадиган электротехника ва электр-маиший маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга 2022 йилнинг 1 январига қадар ўзининг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариши учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар, шунингдек, улар томонидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида олиб келинадиган қурилиш материаллари импортида боғжона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб қўшилган қиймат солиғини тўлашни 120 кунга кечиктириш каби имкониятлар берилди.

Брифингда таъкидланишича, амалдаги электротехника корхоналарини техник ва технология жиҳатдан янгилаш ва янгиларини ташкил этиш бўйича 153,8 миллион АҚШ доллари миқдоридagi 22 та инвестиция лойиҳаси 2019-2021 йиллар давомида амалга оширилади. Кейинги икки йилда юқори қўшилган қийматли тайёр электротехника ва электр-маиший маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмлари 2 бараварга оширилади. Тайёр электротехника ва электр-маиший маҳсулотларнинг экспорт ҳажмининг 400 миллион АҚШ доллари миқдорига ошириш кўзда тутилган.

Даврон СУННАТОВ



**Футбол янгиликлари**

**ШОВ-ШУВЛИ НАТИЖАЛАР**

**Ниҳоят миллионлаб футбол ишқибозлари кутган қитъамиз миқёсидаги энг нуфузли турнир – Осиё кубоги баҳслари бошланди.**

БААнинг Абу-Даби, Дубай, Шаржа, Ал-Айн шаҳарларидаги сақизта стадионда қитъамизнинг энг кучли 24 та терма жамоалари 6 та гуруҳга бўлинган ҳолда голиблик йўлида мurosасиз курашга киришишди.

Кўпгина мутахассислару, мухлислар Осиё кубоги голиблигига асосан Эрон, Япония, Жанубий Корея, Австралия даъвогар деб тахмин қилишмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, Осиё кубогининг "А" ва "В" гуруҳларида 1-тур учрашувлари якунига етди. Ўтказилган ўйинлар шуни кўрсатмоқдаки, башоратчиларнинг кўпгина тахминлари ўзини оқламайдиган кўринади. Негаки, Осиё кубоги баҳсларини "А" гуруҳида мезбон – БАА ҳамда Бахрайн терма жамоалари бошлаб беришди. Кўпчилик бу ўйинда БААнинг галабасига шубҳа қилмагани. Аммо, беллашув 1:1 ҳисобидаги дуранг билан якунланди.

Ўшбу гуруҳида Таиланд – Ҳиндистон баҳсида ҳам ҳеч ким ҳиндларнинг зафар кучишини кутмагани аниқ. Аммо, ҳиндистонликлар ҳам футбол ўйнашни ўрганиб олишгани барчани ҳайратга солди. Ҳиндистонликларнинг устунлигида кечган баҳс 4:1 ҳисобида якунланиб, турнир жадвалида Ҳиндистон 3 очко билан қарвонбошилиқ қилаётгани ҳали бу

турнирда яна қутилмаган натижалар кайд этилишини кўрсатиб турибди.

"В" гуруҳидаги Австралия – Иордания учрашувида ҳамма "яшил қитъа" вакиллари кучли деб ўйлагани рост. Чунки Австралия айни кунларда амалдаги Осиё чемпиони ҳисобланади. Лекин, Осиё кубогига пухта тайёрланган Иордания терма жамоаси ўйинда устунлик қилди ва 27-дақиқада Анас Бани Ёсин томонидан киритилган ягона гол эвазига кичик 1:0 ҳисобида зафар кучди. Мухим уч очкони кўлга киритган иорданиялик чарм тўп усталари гуруҳ пешқадамлигини кўлга олишди.

Ўшбу гуруҳида Сурия – Фаластин терма жамоалари беллашув 0:0 ҳисобидаги дуранг билан якунланди. Ўйинни ҳамюртларимиз Равшан Эрматов етакчилигидаги ҳакамлар бригадаси бошқарди. Учрашувда Равшан Эрматов бош ҳакамлик қилган бўлса, канотларда унга Абдухамидулло Расулов, Жаҳонгир Саидов ёрдам беришди. Илгиз Танташев, Валентин Коваленко эса дарвозалар ортида ишлашди. Ўйин суриялик чарм тўп усталари устунлигида кечди, аммо дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Ақбар Йўлдошев

**БАРЧА УЧРАШУВЛАР ЖОНЛИ ЭФИРДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ**

**БААда футбол бўйича навбатдаги Осиё кубоги мусобақасини мухлислар "Спорт" телеканали орқали томоша қилиш имкониятига эга бўлишди.**

Ўн еттинчи марта ўтказилаётган қитъамизнинг энг нуфузли футбол мусобақасининг барча 51 та учрашувини ишқибозлар кузатиб боришмоқда. Осиё кубогининг гуруҳ босқичидан ўрин эгаллаган 3-тур баҳслари параллель равишда кечишини ҳисобга олиб, айрим ўйинлар ёзиб

олинган ҳолатда эфирга узатилади. 3-турнинг айрим учрашувлари "Маҳалла" телеканалида ҳам эфирга узатилиши кутилмоқда. Дарвоқе, мухлислар учун бир янгилик шуки, шарҳловчилар Осиё кубоги ўйинларини бевосита стадиондан шарҳлаб боришмоқда.

Бундан ташқари ҳар куни "Осиё кубоги кундалиги" бериб боришмоқда. Шунингдек, "Спорт" телеканали студиясида Осиё кубоги мусобақасига бағишланган дастурлар ташкил қилиниб, мутахассислар бўлиб ўтаётган ўйинлар ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашишмоқда.

**ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ ЯКУНЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ**

**ЎФА ташаббуси билан 2018 йилнинг энг яхши футболчиси ҳамда мураббийсини аниқлаш учун эълон қилинган овоз бериш жараёни якунлари маълум қилинди.**

Юртимиздаги оммавий ахборот воситалари вакиллари ва мухлислар иштирок этган овоз бериш жараёнида ҳар бир тахририят бир овозга эга эканлиги олдиндан белгилан кўйилган эди.

Сўровнома якунларига кўра, миллий терма жамоаси сардори, Хитойнинг "Шанхай СИПГ" клуби аъзоси, Хитойнинг амалдаги чемпиони Одил Аҳмедов энг яхши футболчи деб эътироф этилди. Сўровномада "Локомотив" аъзоси Марат Бикмаевга иккинчи ўрин, "Шаржа" ярим ҳимоячиси Отабек Шукуровга учинчи ўрин насиб этди. Дарвоқе, "Локомотив" ярим ҳимоячиси Икром Алибоев ҳам учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Ўтган йил бошида 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида голибликни Ўзбекистон олимпия терма жамоаси кўлга киритган эди. Олимпиячиларимизни халқаро турнирда тайёрлаган бош мураббий Равшан Ҳайдаров 2018 йилнинг энг яхши мураббийси деб топилди. Фахрли иккинчи ўрин "Бунёдкор" устози Миржалол Қосимовга, учинчи ўрин "Локомотив"ни чемпионлик сари етаклаган Андрей Фёдоровга насиб этди.

Нигора ҚУРБОНОВА, Тошкент архитектура-қурилиш институти жисмоний тарбия ва психология кафедрасининг катта ўқитувчиси

**Жинойят ва жазо**

**СОЛИҚЛАРДАН ҚОЧИБ**

**Даврон Икромов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Яккасарой туманида жойлашган "Греат..." МЧЖнинг таъсисчиси ҳамда директори лавозимида фаолият кўрсатаётган эди. Афсуски у қонунқоидаларга риоя қилмасдан жиноятга қўл урди. Корхонага ҳисоб рақамига товарлар харид қилиш учун 8.999.436.0 минг сўм пул маблағлари келиб тушди. Шундан 339.039.5 минг сўмлик товарларнинг қирим ҳужжатларини тақдим этган. Қолганларини эса текширувчиларга тақдим қилолмаган.**

2018 йилнинг январь ойида Мирзо Улуғбек туман ДСИ назорат тафтиш бўлими давлат солиқ инспектор-тафтишчиси Н.Ақромов "Греат..." МЧЖнинг ҳужжатли текширувини амалга оширган. Ўшбу жамиятда бухгалтерия қониқсиз тарзда юритилган. Корхона раҳбари Даврон бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини тўлиқ равишда тақдим қилмаган.

Текширув даврида хариддоригр бўлган цемент, металл маҳсулотлари, ювиш воситалари, калава ип, хўжалик молларига жами 8.908.632,0 минг сўм пул маблағлари ўтказилганлиги аниқланган. Бироқ маҳсулот олинганлиги, сотилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар бўлмаган. У савдодан тушган маблағларни яширган.

Даврон Икромов улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиб, бир ойдан сўнг лицензияни қайтариб топширган. У Уставада кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан

дан фойдани яшириб, солиқларни камайтириб, мулкий манфаат кўриш мақсадида "Греат..." МЧЖни тузиб сохта тадбиркорлик билан шуғулланган.

У жуда кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб 8.908.632,0 минг сўмлик товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган. Лицензия олинши шарт бўлган фаолият билан махсус рухсатнома олмагандан шуғулланган.

Суд Даврон Икромовни Жиноят кодексининг 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси ва 190-моддаси 2-қисмининг "а" банди билан айбли деб топди. Сўнгра Жиноят кодексининг 59-61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 4 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлади.

**Зиёдбек ХОЛИҚБЕРДИЕВ, Бош прокуратура хузуридаги ИЖКК Департаменти Яккасарой туман бўлим бошлиғи**

**Пойтахтимиз ёшларига эътибор қаратиш, уларни меҳнатга жалб қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.**

**ЁШЛАРНИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИГА БАРЧА МАСЪУЛ**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгашида "Мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олишнинг долзарб масалалари ва келгусидаги вазибалари" мавзусида амалий анжуман бўлиб ўтди.

— Биз шу пайтгача жиноятчилик, ёмон иллатлар билан курашиш учун ҳимояланган усулнинг танланганимиз. Лекин ҳужумкорона чора кўришга ҳеч ўтиб кўрмаганимиз. Суиқасд билан қандай курашмоқдамиз бугунги кунда? Ўқувчи-талабаларга бу ёмон иллат эканлигини тарғиб қиламиз, бироқ суиқасд тушунчасини ўзи нималиги ҳақида тўхталиб ўтмаймиз, ваҳоланки, бир соат давом этадиган маърузада камида 30 марта шу сўзни ишлатамиз. Натижада суиқасдга қизиқтириб қўйиш оқибатлари ҳам келиб чиқиши мумкин. Биз энди семинар-тренингларда унинг оқибатларини айтишдан эмас, балки руҳлантирувчи, мотивация берувчи тренингларга кўпроқ урғу берсак мақсадга мувофиқ бўларди деган фикрдаман, — деб таъкидлаб ўтди Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Э.Шукуров.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июндаги "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва Тошкент шаҳрини жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар Кенгаши, шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши ўртасида Ҳамкорлик дастури имзоланди.

Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ҳамда ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишни янада такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йилга беш йиллиги муносабати билан авф этиш тўғрисида"ги Фармонида биноан авф этилган ёшларнинг сони ошмоқда ва иш билан таъминланиб келинмоқда.

Маъзур амалий анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Шукуров, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ўринбосари М.Вафоев, Тошкент шаҳар Халқ таълим бош бошқармаси бошлиғи А.Мамаджанов, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Ф.Маҳмуджодиев ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А.Жумабоев иштирок этди.

Албатта, бу натижалар, яъни жиноятчиликнинг камайиши ва олдини олиниши шунчаки амалга оширилмади ва бу йўлни босиб ўтиш шунчаки бўлмади. Барчасига Президентимизнинг оқилона сиёсати ва ташаббускорлиги сабабидир. Биз, ёшлар, уларнинг ишончларини оқлашга чин дилдан ҳаракат қиламиз.

Азизбек ИКРОМОВ

**КУРСАНТЛАР МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА**

**Пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйида "Ватанга хизмат – олий фазилат" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси томонидан Президентимизнинг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чоратadbирлари тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда ҳарбийлар ва муассаса тарбияланувчилари иштирок этди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли миллий армиямиз ёшларимиз учун чинакам мардлик ва матонат мактабига айлангани таъкидланди.

Қуролли Кучлар академияси курсантлари ҳарбий тизимда амалга оширилаётган ислохотлар ва ёшларга берилаётган кенг имкониятлар ҳақида гапирди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Қуролли Кучлар академияси номидан байрам совғалари топширилди.

— Ҳар бир йилгит учун Ватанни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир, — дейди Қуролли Кучлар академияси курсанти Ойбек Эргашев. — Болалигимдан ҳарбийларни кўриб, уларга ҳавас қилардим. Бугун ўша мақсадимга эришдим. Ютуқларимдан Меҳрибонлик уйидаги тарбиячи-опаларим, укаларим ҳам хурсанд. Академияда дўстларим билан бирга соҳага оид кўплаб билимларни ўрганмоқдамиз. Келгусида билдирилган ишончни оқлаб, малакали ҳарбий хизматчи бўлишга ҳаракат қиламан.

Курсантлар Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан дилдан сўхбатлашиб, уларга яратилган шaroит билан танишди. Академиянинг фахрий қорoвули бўлинимсиз курсантлари кўргазмали чиқишлар намойиш этди.

Ҳарбий оркестр ижросидаги концерт дастурини болажонлар олқишлар билан қарши олди. (ЎЗА)

**ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ТАНЛОВ-КЎРГАЗМА**

**Тошкент Фотосуратлар уйида пойтахтимизда фаолият бошлаган Беруний халқаро мактаби**

**Ўқувчиларининг "Инсон ҳаётида илм-фаннинг ўрни" мавзусидаги ижодий ишлари танлов-кўргазмаси бошланди. Унда 120 га яқин ижодий ишлар намойиш этилмоқда.**

Мактабда инглиз тилида ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва лойиҳалари асосида таълим берилиб, дарслар миллий кадриятларимиз, урф-одатларимиз уйғунлигида олиб борилади. Болаларнинг жисмоний, ақлий, ижтимоий, ахлоқий, ҳиссий, интеллектуал ва руҳий ривожланиши учун барча шарoит мавжуд.

— Инновацион технологиялар таълим соҳасини ривожлантиришда муҳим воситадир, — деди Беруний халқаро мактаби ўқитувчиси Алтундаль Катерина. — Ҳар бир бола дунёни ўзгартиришга қодир эканини ўйлаши, шунга ишонини керак. Мақсадимиз ана шундай қатъиятли, зукко ёшларни тарбиялаш.

Танлов-кўргазма 11 январгача давом этади. Гулноза БОБОЕВА

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани ТСРЎИ томонидан 4.06.2008 йилда №001850-07 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ASL PLYUS" МЧЖ (СТПР 300855803) таъсисчининг 5.01.2019 йилдаги қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яшнобод тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уй манзилига қабул қилинади. Тел: +99894 678-75-57.

Оқунбобоев номидаги Республика медицина билим юрти томонидан 1988 йилда Юлдашева Барно Абдухалилова номига берилган МТ № 927298 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



да шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 8-10 даража илқ бўлади.

Ўзидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 9 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шарoити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

**Тошкент Оқшоми**

Манзилмиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Ёшларлар: (0-371) 233-28-95, Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки "Тошкент почтаменти"га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 Босма табоқ, офсет усулида босилади. 216 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоҳаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 14:40